

ТУРКИСТОНДА ЖАДИД МАЪРИФАТИ

Холматов Ғайратжон Мухторалиевич
Аминов Шариф Насимович

Наманган муҳандислик-технология институти эркин тадқиқотчилари

Аннотация. Мақолада Ўзбекистоннинг таълим тарбиясида жадид маърифатининг ижтимоий-маърифий жиҳат ва хусусиятлари таҳлил этилган. Тадқиқотчилар жадидчиларнинг чоризм томонидан ўлкада олиб борган сиёсатга қарши озодликнинг тадрижий йўли, жамият тараққиётида динийлик ва дунёвийликнинг уйғунлиги, ижтимоий давлат қурилишининг моделини ишлаб чиқилганининг фалсафий таҳлиллари амалга оширганлар.

Калит сўзлар. Таълим сиёсати, жадидлар, янги усул мактаблари, ижтимоий давлат.

Аннотация. В статье анализируются социально-педагогические аспекты и особенности современного просвещения в системе образования Узбекистана. Исследователи проводили философский анализ эволюционной пути борьбы за освобождения против политики царского режима в стране, значимости религии и светскости в развитии общества, выработке модели социального государства.

Ключевые слова. Образовательная политика, инновации, новометодные школы, социальное государство.

Annotation. The article analyzes the socio-pedagogical aspects and features of modern education in the education system of Uzbekistan. The researchers conducted a philosophical analysis of the evolutionary path of the struggle for liberation against the policy of the tsarist regime in the country, the importance of religion and secularism in the development of society, and the development of a model of a welfare state.

Keywords. Educational policy, innovations, new method schools, welfare state.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрни, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шарт-шароитини таъминлашда ижтимоий давлатнинг миллий Ренессанс истиқболига бой миллий-маданий меросимиз ўзига хос маънавий заминдир. Шу боисдан, Ўзбекистон ҳукумати “биринчи навбатда, эътиборни янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга...” қаратиши белгиланди [5]. Ёш авлодни таълим ва

тарбиясида миллий анъана ва қадриятга таяниш, айниқса жаҳид маърифатпарварлик таълимоти таълим сифатини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳид маърифатининг муҳим жиҳати Ўрта Осиёнинг феодал тузум тартибида сиёсий тарқоқлик, ўзаро низо ва можаролар, айниқса ўлкани чоризм истилоси шароитида миллий мустақил давлатчилик “Қўқон Мухторияти” ҳақидаги ғоя ва қарашларнинг миллий истиқлол ҳаракати даражасида тарқалиши ҳисобланади. Улар давлатнинг янги сиёсий бошқарув тизими ва функционал асосларини ислом дини талабларида олға сурган эдилар. Ўзбек зиёлилари ижтимоий-сиёсий қолақлик, қашшоқлик ўлка аҳолисининг турмуш даражасининг пасайишига эътибор билан ватанпарварликнинг олий намунасини намойиш этганлар. Шу билан бирга, жаҳидлик анъанавий диний таълимдан дунёвий таълим орқали дунё тамаддунига эришиш учун ислоҳий ташаббуслар ижобий ёшларнинг миссияси эди [6, 40 б.].

Жаҳид маърифатининг марказий муаммоси халқнинг миллий саводхонлиги ила ривожланган давлат ва халқлар билан ҳамқадам бўлиш мумкинлигини эътироф этганлар. Шу маънода жаҳидларнинг ижтимоий ислоҳида “янги усул мактаблари” жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маданий юксалтириш инновацияси, деб ҳисоблаймиз. Чунки, миллий анъанавий мактабларда дунёвий билимларга эътибор билан дунё тамаддунига етакчилик қилиши, барқарор тараққиётни таъминлашда нажот таълим ва тарбияда эканлигини тушунган зиёлилар эди.

Чор Россиясининг мустамлакачилиги ўлка халқининг миллий бойликларини аёвсиз таланиши билан бирга халқнинг азалий бой миллий-диний урф-одат, қадриятларидан мосуво этиш орқали маҳаллий аҳолини қуликка солиш мақсадини кўзлаган. Қолаверса, “маҳаллий миллатларни давлатни бошқаришдан узоқлаштириш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини паймол қилишга интилиш ижтимоий норозиликнинг турли-туман шаклларини келтириб чиқарди” [1, 12 б.]. Натижада, ўлкани “руслаштириш” сиёсати остида ўзга урф-одатларни оммалаштириш, миллийликдан бегоналаштириш бошланди. Мадраса ва мактаблар фаолиятини чеклаш, маҳаллий аҳоли турмуш тарзига миллий-диний қадриятларга зид ҳолдаги оммавийлик хусусиятига эга қадриятларни тарқатдилар. Жумладан, Туркистон ўлкаси маҳаллий халқлари орасида ичкиликбозлик, ўғрилиқ ва зино каби иллатлар Россия истилосидан кейин бошланган. Шу маънода жаҳидлик ҳаракати

миллат асл фарзандларининг миллий ўзликни сақлаш, миллатни ҳурлиги каби устувор истиқлол ҳаракати сифатида шаклланди.

XIX аср охирида вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятда миллий зиёлиларнинг мактаб-маориф, миллий маърифий матбуот, бадиий адабиёт, санъат асарларининг юксак нафосати намуналари билан миллий турмуш тарзи ва ҳаётимизни инновацион ислоҳига ҳисса қўшган алломалар шаклланди. Уларнинг тарихий хизмати Чоризм ҳукумати томонидан таъқиб этилган бўлса, Совет тузуми уларни қатағони билан фожиали якун топди. Шу маънода мустақиллик ва миллий маърифатга бўлган эҳтиёж жаҳид маърифати тарихий ҳақиқатининг тадқиқи ижтимоий фалсафада муҳим масала ҳисобланади. Жаҳид маърифатпарварларининг миллий тараққиётга қўшган ҳиссаси ва қатағон азоблари туфайли миллий қаҳрамонлик даражасида баҳоланиши ҳақидаги фикрларга қўшиламиз [4, 3 б.].

Жаҳидчилик ҳаракатининг муҳим миллий мероси умуминсоний қадриятларни ижодий жиҳатдан миллий ҳаётга узвий боғлаш, оламни билиш асосида тафаккур, ўз навбатида фаол фуқаролик шахс позициясини шакллантириш учун ислом дини, замонавий илм-фаннинг педагогик жиҳатларини шакллантириш асосида амалий фалсафага асос солдилар. Улар давлат билан дин, дин билан илм-фан орасидаги “деворни олиш”, шахс ижтимоий ҳаётида дин ва фан муносабатларини ижтимоий шериклигини бошлаб берган таълим фидойиларидир. Биз фикримизни анъанавий Шарқ маърифатпарварларининг миллий истиқлол ҳаракатида Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш каби мутафаккирларнинг ижодида маҳаллий ва рус маъмурларининг хунрезликларига чек қўйиш чоратадбирлари, анъанавий миллий мактабларининг инқирози кабиларга барҳам бериб, кенг оммани курашга даъват қилгани билан далиллаймиз.

Улар исломнинг шариат меъзонларида ҳам ислоҳот ўтказиш зарурлигини тушуниб, Абу Наср ал-Курсавий, Шаҳобиддин Маржоний, Аҳмад Дониш каби йирик уламолар Бухорода ислом динига асосланган муайян таълим ва маънавият дастурлари тузишган. Бухорода давлат ҳукмдори ва айрим мутаассиб уламоларнинг жиддий қаршилиги туфайли ал-Курсавий ва бир неча ҳаракат етакчилари маълум муддат зиндонда ҳам ўтирди [10, 27 б.]. Лекин жаҳид таълимотини ривожлантиришда Муҳаммад Абдо, Икром домла (1847 - 1925) каби ватанпарварлар “янги” ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш, ўлкани

диний мутаассиблик ва хурофот, илмсизлик ботқоғидан халос этиш мақсади учун фаол кураш олиб бордилар.

Ўлкада улкан маърифий ўзгаришлар янги авлоднинг кураш тўлқини, зиёлиларни олдига эзгу мақсадларни қўйиб, таълим ислоҳига чорлади. Жадиличлик ҳаракати Шарқона маърифатда исломнинг илм-фан, маданият ғояларини озодлик, миллий истиқлолга уйғунлаштирдилар. Натижада, ўлканинг янги тараққиёт босқичи жаид фалсафий тараққиётнинг ижтимоий ҳаракат стратегиясига назарий манба бўлиб қолди. Улар ижтимоий давлатнинг ривожланиш шукуҳи билан миллий ўйғониш –Ренессанс ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Жадиличликнинг тарихий фалсафий жиҳати: биринчидан, мустамлака тазйиқи таъсиридаги ўлканинг ижтимоий-сиёсий жараёнларни тубдан ўзгартириш, янги, замонавий дунёвий илмларга интилиш, ўлка халқларининг ижтимоий тараққиётга юз тутишини асосий мақсад қилган миллий-сиёсий ҳаракат эди. “Жадиличлик” атамаси арабчадан “жаид” - “янги” демақдир. У шунчаки “янги” ёки “янгилик тарафдори” бўлмай, балки “янги тафаккур”, “янги инсон”, “янги авлод” сингари мазмунни ўзида мужассам этган. Атама - янгиланиш, замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усул, йўллари тарафдорларининг умумий номи ҳамдир [9, 5 б.]. Шу боис, “жаид” атамасининг илмий истеъмоли билан боғлиқ масалага атрофлича ёндашув зарур, атаманинг “мақоми”даги мазмунни янада аниқлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки, “жадиличлик”ни “янги”, “янги тафаккур”, “янги инсон”, “янги авлод” маънолари асосий “мақоми”да куч-қудратни шахснинг миллий ўзлигида билим олиш билан уйғунлаштиришни назарда тутади. Чунки, “жадиличлик” XIX асрнинг охирида нафақат маърифат, таълим-тарбия, матбаа ва янги сиёсий тафаккур тараққиёти, балки бадиий адабиёт ва санъат асарлари билан ҳам таълим ва тарбиянинг буюк сиёсий бурилишини ясаган.

Жадиличлик ҳаракати ўз моҳиятига кўра аҳолининг қарамлик ҳолатидан чиқиши, халқнинг ижодкор зиёлиларнинг миллий маърифатни юксалтириш, ижтимоий-сиёсий онг тафаккур маданиятини ривожлантириш билан миллий давлатчиликка маърифий-сиёсий ҳаракат уюшмасидир. Бу уюшма Туркистон халқларини турли табақа ва қатламлари орасида маънавий-сиёсий тарғиботи билан мусулмонларнинг бирлашуви, халқни миллий бирлиги ҳис-туйғуларини оммада шакллантиришга эришган. Чунки, улар Таъсис Мажлисида кўп ўринларни эгаллаш асосида давлат ҳокимиятини маданий тинч йўл билан қўлга қиритишни “цивилизацион йўли”ни танлаган эдилар.

Жадид ҳаракати нафақат минтақа, балки жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг ўзига хос ижтимоий кўринишидир. Таниқли олима Д.Алимова жадидлик ҳаракати, асосан “Қўқон Мухторияти” давлат шаклини Эрон, Туркия Хитой, Хиндистон ва Россиядаги ҳаракатлар билан айнанлаштириш бизнингча баҳслидир, деган фикрига қўшиламмиз[7, 156 б.]. Чунки, жадидлар клерикал консерватизмга қарши курашда бирлашган диний-дунёвий (дуалист) алломалар эди. Улар диндор бўлганидан ислом модернизациясининг тарафдори бўлган. Иккинчидан, улар ўзга тараққипарварлардан фарқли курашнинг тадрижий йўлини танлаши, курашда тинч йўл эзгуликка эришишда нажот илм-фан асосларини эгаллаши билан ҳориждаги революционерлардан фарқ қилади. Шу боисдан уларнинг миллий озодлик йўли маърифат ва билим олиш орқали ижтимоий ҳақиқатни англаш эди. Ушбу ҳаракат ХХ аср бошларида РСФСР таркибида Мухторият берилиши, ўлка халқларига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш тадқиқотларимизда жадидчилик ҳаракатида тарихан турли-туман сиёсий қарашлар бўлгани, яъни “Шўрои Исломия” ва “Уламо”, “Турк адами марказияти” каби иккига бўлинган сиёсий ташкилотларда намоён бўлди. Сиёсий ташкилотларнинг турли-туманлиги ҳам сиёсий кучларда яқдилликка эҳтиёжни тасдиқлайди.

Ўлкамизда Исмоилбек Гаспирали Бейнинг мустамлака туркий мусулмон халқларнинг миллий-сиёсий уйғонишида етакчилик фаолияти муҳим ўрин тутди. У Шарқ халқларининг маънавий-маданий ҳаётида, хусусан мактаб-маорифида чинакам инқилоб ясаган “усули жадид” номидаги “усули савтия”- янгича ўқитиш методига асос солган. У ўз фаолиятини матбаа иши билан бошлаган: мусулмон халқлар газета-журнал ўқиб, маънавий қиёфасида ўзгариш билан турмуш тарзига китобхонлик маданиятини киритди. Туркистон жадидлигида Исмоилбекнинг сиёсий қарашлари китобхонлик билан бирга газетхонлик омили устуворлиги сиёсий етуклик, ўзгалардан кўра матбуотнинг сиёсий ахборот кучини теранроқ англаган, деб ҳисоблаймиз.. Чунки газетни маърифати тез тарқалиши ва ахборотни оммалашуви туфайли 1881–1883 йилларда жиддий ютуқларга эришди [3, 9 б.]. Илк мусулмон матбуот нашри “Таржумон”нинг 1884 йилда 1000 нусхасидан 200 таси Туркистонда қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди . Унинг фаол ўқувчиларидан бири Исҳоқхон Жунайдуллохон ўғли Иброт 1883-1885 йилларда мадраса толиби бўлсада, Тўрақўрғонга ҳам олиб келган. У “Исҳоқия” кутубхонасида газетанинг 1884 йилдаги сонларини

жамлаган. Бу ҳақда Исмоил Гаспирали Бей “Ота- бобо кунларидан қолган миллий мактабларни ислоҳ этмоқ – усули жаид, демакдир. Усули жаид ўз вақтида зиёда ва даҳа мукаммал ўқитмоқ ва ўқимоқ йўллари кўрсатар, ғайри бир нарса эмасдир”, деб таъкидлаган [2, 11 б.].

Жаидчилик ҳаракатида жаҳон маърифати умумийлиги, миллий-сиёсий озодлик алоҳидалик билан маърифатпарварлик орқали эволюцион йўл хусусийлик тамойилида илмий таҳлилларга хулоса яшаш мумкин:

1. Туркистон “Жаидчилик ҳаракати” жаҳон сиёсий тараққиёт тмаддунининг таркибий қисми, фалсафий тафаккур тараққиётининг ўлка ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеликни англаш жараёни, озодлик учун миллий бирликка интилиш сиёсий ҳаракатнинг назарий ва амалий дастурида маърифат ва маънавиятга нажот йўли сифатида Стратегия ишлаб чиқилган эди. Бу стратегия ғарбнинг Ренессансидан фарқ қилиб, атеизмдан ҳоли бўлган ижтимоий давлат, курашда эса зўравонлик ва террордан ҳоли мафкура эди;

Иккинчидан, жаидлик миллий маърифати назарий ва амалий жиҳатдан янги босқич тараққиёт вазифасидир. Анъанавий таълимга янги инновацион ёндашувда динийлик ва дунёвийликнинг уйғунлигидир. Замонавий таълим аниқ фанларни ёшлар томонидан эгалланиши билан ижтимоий ҳаётнинг мураккаб муаммоларига ечим топиш, ўғил болалар билан бирга қизларни ҳам саводхонлиги билан ижтимоий турмуш тарзимизга новацион ёндашувни олға сурди. Улар талантили ва иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни ривожланган давлатларда таълим олишга жамғармалар ташкили билан чин маънода маърифатпарварлик миссиясини амалга оширдилар;

3. Жаидлик ўз моҳиятига кўра омма орасида тарғибот ва ташвиқот воситаси матбаага урғу бериб, мураккаб вазиятда газета ва журналларни босишга, маҳаллий аҳолини дунё тамаддунига маънавий боғлаши билан фалсафий янги дунёқарашни шакллантирдилар. Бу ҳол миллий зиёлиларни сиёсий тафаккурини ўстириши билан янги авлод миллий-озодлик тараққиёт босқичига асос солдилар.

4. “Жаид ҳаракати”нинг чор ҳукумати учун жиддий сиёсий кучга айланишида бир қатор омиллари мавжуд. Жумладан, а) маҳаллий аҳоли урф, одат, анъана, миллий ва диний қадриятларини маърифий ривожлантириш тамойилини тўғри белгилаб олингани; б) мавжуд сиёсий вазиятни тўғри тушуниб, ўзларининг назарий ва амалий

фаолиятларида сиёсий мақсадлардан кўра маърифатни кўтаришга бўлган эътиборни қарата билганликлари кабилар муҳим рол ўйнаган;

Бешинчидан, “Жадидчилик” маънавий-маърифий ғоялари адабиёт ва санъат билан уйғунлиги маърифатпарвалик мақсадларини амалий жиҳати, маҳаллий аҳолининг бадий-эстетик қарашларида сифат ўзгаришини ясаган. Ўлканинг зулм ва зўравонлик, мустамлака зулмидан халос бўлишида стратегик йўналиш, жаҳон цивилизацияси тамаддунида миллий давлатчиликни шакллантиштир назарий ва амалий таянч базаси бўлиб қолди.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Алимова Д. А., Голованов А. А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тайзиқ оқибатлари. -Т.: Ўзбекистон, 2000. –127 б.
2. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. -Т.: Шарқ, 2002. -211 б.
3. Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоялари/ масъ. муҳ. Б.Хасанов. –Тошкент: ТИУ, 2016. – 239 б.
4. Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари/ мас.муҳ. Хасанов. –Тошкент: ТХИУ, 2016. –333
5. Мирзиёев Ш. М. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // Янги Ўзбекистон. –2022. –21 декабрь
6. Мирзахмедов А. М. Ёшлар тарбиясида миссионерлик таҳдиди // Фан. Таълим ва инновация. –2016. - № 3.– Б. 40-44
7. Мирзахмедов А. М. Философия как просвещение // Вестник Российского философского общества, 2019.– № 1-2. – Б. 156-160
8. Мустақиллик: Изоҳли илмий- оммабоп луғат / 3- жилд.-Т.: Шарқ. 2006. -104 б.
9. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. - Т.: Маънавият, 2007. –251 б.
10. Шарипов Р., Муҳиддинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: ТДЮИ. 2004. –Б. 27.